

ЁШЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ МЕҲНАТ
БОЗОРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саидниёзова Камола Баходир кизи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. *Ушбу мақолада ёшларга хорижий тилларни ўқитиш орқали меҳнат бозорида малакали кадрлар тайёрлаш тизими таснифланган. Шунингдек, ёшларни маҳаллий ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ҳамда хорижий тилларни ўргатиш орқали уларнинг ўз ўрнини эгаллаши ҳамда замонавий корхоналарга ишга жойлашишдаги муаммолар таҳлил қилинган. Шу билан бирга таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш жараёнлари хорижий тилларни ўрганган малакали мутахассисларни маҳаллий ва хорижий меҳнат бозорида ишга жойлашиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *хорижий тилларни ўрганиш, олий таълим, профессионал таълим муассасалари, меҳнат бозори, ташқи меҳнат бозори, замонавий корхоналар, малакали кадрлар, таълим муассасалри битирувчилари, таълим сифати, таълим жараёнлари, хорижий тиллар бўйича видео контентлар, онлайн дарслар, хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи сертификатлар.*

Annotation. *This article classifies the system of training qualified personnel in the labor market by teaching foreign languages to young people. The problems of youth employment in the local and foreign labor market through teaching foreign languages and employment in modern enterprises are also analyzed. At the same time, the processes of teaching foreign languages in educational institutions provided proposals and recommendations for the employment of qualified specialists studying foreign languages in the local and foreign labor market.*

Keywords: *studying foreign languages, higher education, vocational educational institutions, labor market, foreign labor market, modern enterprises, qualified personnel, graduates of educational institutions, quality of education, educational processes, video content in foreign languages, online classes, certificates that determine the level Foreign language skills.*



КИРИШ

Замонавий жамиятнинг муҳим таркибий қисми бу маданиятлараро алоқа самарадорлигини ва кўп маданиятли шахсни шакллантиришни таъминлайдиган чет тилини билишдир. Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгаётгани хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга Мурожаатномасида “Ижтимоий давлат” тамойилига алоҳида эътибор қаратган эди. Айнан айтганда, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”.²⁵

Бунга эришишнинг асоси, биринчи навбатда, таълим. Шу боис Мурожаатномада мактаб ўқувчиларини камида иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган эди. Сўнгги йилларда таълимга, ўқитувчиларга эътибор ошди, олий таълимда қабул сони ва йўналишлар кўпайди. Лекин, мактаблардаги сифат ҳали талаб даражасига чиққани йўқ. Масалан, 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини мукамал билмайди. Шароит ва мутахассислар йўқлиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаган. Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йилнинг 20 январь куни мактабларда хорижий тиллар ва касбга ўргатиш бўйича видеоселектор йиғилишида “Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо” деб таъкидлаган эди. Бу тажрибани жорий этиш учун ҳар бир вилоятдан биттадан шаҳар ва иккитадан туман танлаб олинган. Улардаги 2 мингдан ортиқ мактабларнинг шароити, педагоглар малакаси, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ва хорижий тилларга қизиқиши ўрганилган. Энди туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши кўзда тутилди. Шу боис ҳокимликларга ушбу танлаб олинган мактабларда касб-ҳунар устахоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга ёшлар етакчилари ва тадбиркорлар ҳам жалб этилади, Ёшлар жамғармасидан маблағлар йўналтирилади.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси” Тошкент 2022 йил 20 декабрь.



Чет тилларини сифатли ўргатиш учун мактабларга “тил эгаси” бўлган педагоглар жалб қилиш, Президент мактабларининг тил ўргатиш тажрибаси, дарслик ва дастурларини татбиқ этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Дарҳақиқат, ёшларга чет тилларини чуқур ўргатиш халқаро майдонга кенг йўл очади. Дунёдаги 60 га яқин давлатларда инглиз тили давлат тили ҳисобланади ҳамда энг кўп ўрганиладиган хорижий тил ҳам инглиз тили эканлиги сир эмас. Умуман олганда, ёшларимизга БМТнинг 6 та расмий тилидан камида иккитасини тўлақонли билиш имкониятини ярата олсак, албатта уларни келажакдаги муваффақиятларига мустаҳкам пойдевор яратиб берган бўламиз.²⁶

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Глобаллашув шароитида таълим ёшларни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Бугунги тезкор давр ёшларни қисқа муддатда ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Маълумки, таълим соҳасидаги рақобатбардошликни ошириш масаласи тайёрланадиган кадрларнинг билим ва кўникмалари уларнинг шахс сифатида шаклланишида ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий ижтимоий-иқтисодий омил эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, табиийки, кўплаб илмий соҳа олимлари томонидан таълим муаммоларини, унинг иқтисодиёт ва жамият тараққиёти билан ўзаро алоқадорлигини доимий тадқиқ қилиб келадилар.

Ўзбекистон иқтисодчи олим Қ.Абдурахмонов мамлакат иқтисодиёти даражасини оширишга интилиш бўлса, инсон ресурсларининг сифати муттасил ошириб борилиши керак. Бу эса аввало, иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим стандартларини, шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг малакасига талабларни тайёрлашнинг шакллантириш ва такомиллаштириш имконини яратади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.А.Абдуғаниев, Н.Хўжаев, Ш.Р.Ҳолмўминов, Х.П.Абулкосимов, Д.Қ.Зиявуддиновалар меҳнат бозорининг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги, ишсизлик муаммоси,

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарори.



меҳнат бозоридаги сифат ўзгаришлари борасида илмий изланишлар олиб борганлар.

Хорижлик иқтисодчи олимлар А.А.никифорова, Н.И.Задисенская, А.А.Гладченко, А.В.Чирковаларнинг илмий ишларида меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик, потенциал ишчи кучи ҳамда унинг меҳнат бозори муҳитига ўтказаетган таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Д.Кудбиев ва Ш.Кудбиевларнинг мақоласида ёшларнинг меҳнат бозори тўғрисидаги билимларини кенгайтириш, ўз фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш йўллари ҳақидаги тасаввурларини ошириш уларни меҳнат бозорида рақобатга етарлича тайёр бўлишига олиб келади, кўпчилик ёшларда ўзи эгаллаётган касб-ҳунар имкониятлари тўғрисида етарлича имкониятлари тўғрисида кўпроқ хаёлий таассуротлар устун деган хулоса қилинган.

М.Холмуҳаммедов халқаро меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, глобаллашув ва интеграцион жараён тезлашиши, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар эътиборга олинса, шунга мос равишда замон талабларига жавоб бера оладиган кўникма ва малакага эга, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш масаласининг долзарблиги янада ошади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан кўриш мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми, ёшларни хорижий тилларга ўқитиш орқали меҳнат бозорида малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни бандлигини таъминлашда чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

ТАДҚИКОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур тадқиқот ишида эмпирик, тасвирий статистика, гуруҳлаштириш, киёсий ва динамик таҳлил тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бугунги кунда бутун жаҳон иқтисодиёти турли хил қутилмаган ўзгаришларни бошдан кечираётган бир пайтда, ишчи кучига бўлган талабнинг доимий миқдор ва таркиб жиҳатдан ўзгариб туриши барча мамлакатлар учун бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилишининг аҳамиятини янада орттиради. Чунки, иқтисодий назариядан маълумки, ишчи кучи ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланади.²⁷

²⁷ Б.Ганиев - “Ўзбекистонда хусусий секторда ишчи кучига бўлган талабнинг ҳолати ва унинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти”. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали 2022 йил май-июнь. №00059.



Сўнги йилларда юртимизда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш, ёшларни замонавий касблар ва чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг имкониятлар яратилди.

Хусусан, халқаро тил сертификатини олиш учун имтиҳондан юқори балл тўплаган ёшларга давлатимиз томонидан харажат тўлиқ қоплаб берилиши тизими жорий этилди. Натижада, ўтган 3 йил ичида минглаб ёшларга 40 миллиард кўп компенсация пули тўлаб берилди.

Ёшлар ўзи танлаган йўналишнинг етук мутахассиси бўлиши ёки дунёга чиқиши учун хорижий тилни пухта ўзлаштириши бунда билим даражасини тасдиқловчи халқаро сертификатни олиши талаб этилади.

Тил ўрганиш ва ўқитиш борасида дунёнинг етук олимлари тажрибасида самарали натижа бериб келаётган ўқитиш методикалари, шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш соҳасида “боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона” тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш, аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш сингари кўплаб салмоқли ишлар бажарилиб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини — инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс тилларини ўргатишни ташкиллаштиришдек долзарб масала кун тартибига қўйилган.²⁸

Республикамиздаги 207 нафар умумий ўрта таълим мактабларининг хорижий тилларга ихтисослаштирилиши муносабати билан айна мактабларда хорижий тилларни ўқитишни тубдан ислоҳ этиш ва такомиллаштириш, шу билан бирга республикамиз олий таълим муассасалари қошида хорижий тилларни янада чуқурроқ ўрганиш учун ўқув марказлари ташкил этилди. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2023 йилда 12 минг 400га яқин ёшларга 21,7 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берилди. Бу жараён ёшлар ўртасида оммалашмоқда.²⁹

Хорижий тилларни ўрганиш инсонга янги маданият, билим ва янги дўстлар билан танишиш, мулоқотга киришиш ҳамда дунёқарашни ўстиришда ёрдам берувчи энг яхши восита ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда тил ўрганувчиларнинг асосий қисмини 17-35 ёшдагилар ташкил қилар экан. Юртимизда хорижий тилларни чуқур

²⁸ У.Байкабилов - “Замонавий таълим тизимида хорижий тилларни ўқитиш технологияси” 2022 йил май. Multidisciplinary Scientific Journal.

²⁹ <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти.



ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ўқитувчи ва ёшларни хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг чет тилларини ўрганишга ҳамда касб эгаллашга қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни ички ва ташқи меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни чет тилларига ва касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ташқи меҳнат бозоридаги иш берувчиларнинг талаблари ҳам шакллантирилмоқда. Жумладан, Германия Федератив Республикасидаги 2000 мингдан зиёд тиббиёт, ҳайдовчилик ва бошқа техника соҳаларидаги мавжуд бўш иш ўринлари бўйича талабномалар шакллантирилган. Талабномаларда иш берувчилар “Ausbildung” (дуал таълим шакли) асосида хорижга кетадиган фуқаролар учун немис тилини билиш даражаси B1, тўғридан-тўғри ишга жалб қилинадиган фуқаролар учун инглиз, немис, япон, корейс, араб ва шу каби хорижий тилларни B2 даражасидаги халқаро ёки унга тенглаштирилган сертификатларни олиш талаб этилади.

Германия меҳнат бозоридаги ҳамширалик бўйича мавжуд эҳтиёж асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Немис тилини ўргатиш учун 29 та Абу аАли ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги (тиббиёт) техникумларида 744 нафар ўқувчилар бир йиллик ўқув курсларини ташкил этилган. Немис тилини ўқитиш курсларига тил билиш даражаси C1 ва B2 сертификатига эга 45 нафар ўқитувчилар бириктирилди.



**Профессional таълим муассасаларида 2023 йил апрел-декабрь
ойларида ташкил этилган немис тили курсларига жалб этилган
ўқувчилар бўйича⁶**

Маълумот

Т/р	Худуд номи	Ўқувчилар сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	60
2.	Андижон вилояти	55
3.	Бухоро вилояти	60
4.	Жиззах вилояти	63
5.	Қашқадарё вилояти	120
6.	Навоий вилояти	30
7.	Наманган вилояти	44
8.	Самарқанд вилояти	78
9.	Сирдарё вилояти	16
10.	Сурхондарё вилояти	37
11.	Тошкент вилояти	16
12.	Фарғона вилояти	39
13.	Хоразм вилояти	67
14.	Тошкент шаҳри	59
	Жами:	744

Немис тили ўқув курси учун (830 соат) намунавий ўқув курси дастури ишлаб чиқилди. Тингловчиларни Гёте институтидан бериладиган В2 даражада немис тилини ўзлаштириши ва ўқитувчилар иш хақи учун Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 3,4 млрд.сўм ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 4,7 млрд.сўм миқдоридан маблағлар ажратилди. Немис тилини ўқитиш курсларига жалб этилган ўқувчиларга Гёте институти тавсияси асосида Германиядан 1,3 млрд.сўмга 4 та номдаги (А1,А2,В1,В2) 6 минг нусхада замонавий ўқув адабиётлар харид қилинди. Шунингдек, Германиянинг “OPASCA GmbH” ташкилоти билан ҳамкорликда Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги Абу али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида Германиядаги иш берувчиларнинг талаблари асосида “Кичик парвариш ходими” тайёрловчи PFLEGE.UZ ўқув курслари ташкил этилди.³⁰

Бундан ташқари, Ҳайдовчи, Дурадгор, Пайвандчи, Қурувчи, Ободонлаштириш ходими, Меҳмонхона ишчиси, Йўл қурилиши каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш мақсадида 69 та олий таълим муассасаларининг маблағлари ҳисобидан 121 та профессионал таълим муассасаларида 3 051 нафар жумладан, инглиз тилига 2306 нафар, немис

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 январдаги “Хорижий тилларни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сонли қарори.



тилига 704 нафар ва рус тилига 41 нафар ўқувчиларни ўқитиш йўлга қўйилди.

Юқоридаги таҳлилларга асосан таъкидлаш керакки, ёшларни хорижий тилларга ўқитиш уларни келажакда ички ва ташқи меҳнат бозорида ўз ўрниларини топишда керакли ва муносиб ваколатларни ривожлантириш учун шароит яратишга имкон беради.

ХУЛОСА ВА ТАҚЛИФЛАР

Тадқиқот натижаларига кўра ёшларни хорижий тилларга ўқитиш орқали меҳнат бозорида малакали кадрларини тайёрлаш бўйича ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар. Жумладан:

- тил ўқитиш тизимининг етишмовчиликлари: Хорижий тилларни ўргатишда замонавий методологиялар ва ресурсларнинг чекланганлиги, шунингдек, таълим муассасаларида мутахассислар муаммолари.

- практик компонентнинг йўқлиги: Ўқув жараёнида амалий машғулотларга эътибор берилмаслиги, ёшларнинг тил моҳиятини тушунишда практик тажрибага эга эмаслиги.

- мултимоддий ресурсларнинг етишмовчилиги: ўқув муассасаларида замонавий технологиялар ва мультимедиалардан фойдаланиш имкониятлари чекланганлиги, бу эса самарали ўқитиш жараёнини таъминламайди.

- меҳнат бозоридаги рақобат: қўшни мамлакатлардан ёш мутахассислар олиб келиш, бу эса маҳаллий кадрлар учун рақобатни ошириб, уларнинг соҳада муваффақият қозонишини мураккаблаштиради.

Меҳнат бозорининг ривожланиш тенденцияларини, унинг касбий-малака тузилмасини, меҳнат бозорида ёшларни хорижий тилларга ўқитиш орқали малакали кадрлар тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш соҳасида қўйдаги ишларни амалга ошириш лозим:

- меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ва талабларга мувофиқ касб буюртмалари механизмларини аниқлаш учун доимий таҳлиллар ўтказиш. Бу, ёшларнинг қандай касбларга талаб юқори эканлигини аниқлашга ёрдам беради;

- тадқиқотлар олиб бориш ва мутахассисларга меҳнат бозоридаги аниқ эҳтиёжларни аниқлаш учун таълим муассасалари ва бизнес-структуралар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш;

- ёшлар ва иш берувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш учун семинарлар, кўرғазмалар ва карьера ярмаркалари ўтказиш. Бу, талабаларни иш берувчиларга яқинлаштиради, муҳитлантириш ва уларнинг талабларини яхшироқ тушуниш имконини беради;



- иш берувчилар учун тренинг программаларини ташкил этиш, бу орқали уларнинг ёшларнинг талабларига мослашган тадбир ўтказиш қобилиятини ривожлантириш;

- ёшларнинг касбий ривожланиши учун мўлжалланган кўникмалар тизимини яратиш. Бу уларнинг келажақдаги профессионал муваффақиятларига ёрдам беради.

Ушбу чораларни амалга ошириш, ёшларни меҳнат бозорида талабларга мослашган, касбий ва хорижий тилларда малакали кадрлар сифатида тайёрлашнинг самарадорлигини ошириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси” Тошкент 2022 йил 20 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни 2020 йил 23 сентябрь.

3. Б.Ганиев - “Ўзбекистонда хусусий секторда ишчи кучига бўлган талабнинг ҳолати ва унинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти”. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали 2022 йил май-июнь. №00059.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарори.

5. У.Байкабилов - “Замонавий таълим тизимида хорижий тилларни ўқитиш технологияси” 2022 йил май. Multidisciplinary Scientific Journal.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 январдаги “Хорижий тилларни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сонли қарори.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти.

2. <https://edu.uz> — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти.

